

Мундарижа

Иқтисодиёт назарияси

Шеркул ШОДМОНОВ, Одилжон ХАМИРАЕВ, Бекзод МАМАРАХИМОВ. Маҳсулот нархи ва наф даражаси иқтисодий категориянинг диалект бирлиги сифатида	3	Азиз ҚОДИРОВ. Экологик туризмни ривожлантиришда халқаро туристик ташкилотларнинг ўрни	57
Саноат		Стратегия	
Дилғузда МАХМУДОВА. Тўқимачиллик саноати корхоналари иқтисодий салоҳиятини оширишнинг замонавий механизм ва дастаклари	8	Олимжон БОЙТЎРАЕВ, Ҳулкарбону ЁҚУБЖОНОВА. Фарғона водийсида туристик объектларни бошқаришда узвийлик стратегияси	61
Сугурта		Хизматлар соҳаси	
Ақрам ЯДГАРОВ. Қишлоқ хўжалиги экинларини сугуртавий ҳимоялаш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида	11	Шаҳрибору ЮЛДОШЕВА. Уй-жой коммунал хўжаликлиди сервис хизматларининг ўрни ва уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари	66
Ислоҳот		Қишлоқ хўжалиги	
Ширин ФАЙЗИЕВА. Чорвачиллик ривожланишида ислоҳотлар аҳамияти	14	Жонибек ФАРМАНОВ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг асосий омили	71
Бошқарув ҳисоби		Енгил саноат	
Муроджон МАМАТКУЛОВ. Сув таъминоти ва канализация корхоналарида логистик харажатлар бошқарув ҳисобини такомиллаштириш	18	Фоғуржон МАДИЁРОВ, Дилдора СУЛТОНОВА. Енгил саноат маҳсулотлари бозори ва унинг ривожланиши хусусиятлари	74
Нигоҳ		Додзарб мавзу	
Шерали ОЧИЛОВ, Гуаруҳ ХАСАНОВА, Алишер ТАФОЕВ. Аҳоли сонини прогнозлаш масаласини ҳосила функциясини куриш ёрдамида амалга ошириш	21	Назокат АХМЕДОВА. Медиарежалаштириш – корхона брендини тарғиб қилишининг муҳим дастаги сифатида	77
Молиявий салоҳият			
Шахноза ТОЖИБОЕВА, Сухробжон РАҲМОНОВ. Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида корхона молиявий салоҳиятини баҳолаш	25		
Минтақа иқтисодиёти		Содержание	
Сарсенгалий БАЙЖАНОВ, Ажинияз ЗАРИКЕЕВ. Минтақанинг комплекс ривожланишига турли омилларнинг таъсири	29		
Маркетинг		Развитие почтовой связи	
Мавзуда ТАИРОВА, Азиза ДЎСТОВА, Нозима ҚОДИРОВА. Туристик корхоналар фаолиятида маркетингдан фойдаланиш масалалари	32	Зухра ОТАКУЗИЕВА. Основные направления развития системы почтовой связи в Узбекистане	80
Рақамли иқтисодиёт		Экономика и экология	
Ўқтам ХАЙИТМАТОВ, Шавкат ДЖУМАНИЯЗОВ, Фаҳриддин УМАРОВ, Ҳамида ХАСАНОВА. Рақамли иқтисодиётни ривожлантирища буюмлар интернети технологияларидан самарали фойдаланиш	35	Шоҳиста МУРАТОВА. Вопросы обеспечения экономико-экологической безопасности продукции промышленных отраслей	83
Инновация		Управление персоналом	
Шерали МАМАТКОБИЛОВ. Ўзбекистон иқтисодиётида аграр тармоқни инновацион ривожлантириш истиқболари	40	Дилдора ЖАЛОЛОВА. Внутренний маркетинг и маркетинг персонала	88
Статистика		Цифровая экономика	
Гулам ЭРНАЗАРОВ. Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик баҳолаш	45	Шахноза НУРУЛЛАЕВА, Саодат САЙДУЛЛАЕВА. Финансовые инновации в процессе трансформации цифровой экономики	95
Хорижий тажриба		Электронная коммерция	
Нибуфар САПАЕВА. Минтақада инфрагузилмани ривожлантиришнинг чет эл тажрибаси	48	Гулбаҳар СОЛИЕВА, Равшан МАВРУЛОВ, Умиҷдан СУЛТОННОЕВ. Цифровая трансформация электронной коммерции в условиях пандемии	98
Таҳдил		Вопросы маркетинга	
Тимур ИСМАИЛОВ. Қорақалпогистон Республикасида сугориладиган тупроқлар унумдорлигини баҳолаш	54	Замира МУСАЕВА. Стратегия маркетинга – инструмент управления организацией	102
Региональный бюджет		Региональный бюджет	
		Надира ЮЛДАШЕВА. Вопросы укрепления доходной базы местных бюджетов	107
Digital economy		Digital economy	
		Komiljon TUYSCHIEV. The internet as a marketing environment and its role in improving the effectiveness of service promotion	113

Содержание

Развитие почтовой связи	
Зухра ОТАКУЗИЕВА. Основные направления развития системы почтовой связи в Узбекистане	80
Экономика и экология	
Шоҳиста МУРАТОВА. Вопросы обеспечения экономико-экологической безопасности продукции промышленных отраслей	83
Управление персоналом	
Дилдора ЖАЛОЛОВА. Внутренний маркетинг и маркетинг персонала	88
Цифровая экономика	
Шахноза НУРУЛЛАЕВА, Саодат САЙДУЛЛАЕВА. Финансовые инновации в процессе трансформации цифровой экономики	95
Электронная коммерция	
Гулбаҳар СОЛИЕВА, Равшан МАВРУЛОВ, Умиҷдан СУЛТОННОЕВ. Цифровая трансформация электронной коммерции в условиях пандемии	98
Вопросы маркетинга	
Замира МУСАЕВА. Стратегия маркетинга – инструмент управления организацией	102
Региональный бюджет	
Надира ЮЛДАШЕВА. Вопросы укрепления доходной базы местных бюджетов	107
Digital economy	
Komiljon TUYSCHIEV. The internet as a marketing environment and its role in improving the effectiveness of service promotion	113

ТАХРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАХРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАХМОНОВ

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАХРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMEYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

Адҳам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПҮЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

УЎТ: 330.:336.5(575.1)

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚАРО ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Роль международных туристских организаций в развитии экологического туризма

The role of international tourism organizations in the development of ecological tourism

Азиз ҚОДИРОВ,
БухДУ мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада экологик туризм ривожланишида халқаро туристик ташкилотларнинг аҳамияти ва тутмаган ўрни ёритилган. Глобал масштабда экотуризм фаолиятини координация қилиши ва унинг ривожланишига кўмаклашии халқаро ташкилотлар орқали амалга оширилади. Шунингдек мақолада экологик туризм ривожини таъминлашида халқаро туристик ташкилотлар фаолиятини янада тақомиллаштириши масалалари ўрганилган.

В статье рассматриваются значение и роль международных туристских организаций в развитии экологического туризма. Координация деятельности экотуризма в глобальном масштабе и содействие его развитию осуществляется через международные организации. Также в статье были рассмотрены вопросы дальнейшего совершенствования деятельности международных туристских организаций по обеспечению развития экологического туризма.

The article covers the importance and role of international tourism organizations in the development of environmental tourism. Coordination of ecotourism activities in the Global scale and promotion of its development is carried out through international organizations. Also in the article the issues of further improvement of the activities of international tourist organizations in ensuring the development of environmental tourism were studied.

Бугунги кунда туризм дунё мамлакатларида миллий иқтисодиётга салмоқли даромад келтирувчи соҳалардан бири бўлиб, жаҳон иқтисодиётида туризмни янада ривожлентиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда Бутунжаҳон туризм ташкилоти туризмнинг энг истиқболли йўналишлари сифатида саргузашт туризм, денгиз ва сув туризми ҳамда экотуризмни эътироф этмоқда. Бу туризм турлари ичида ёш ва истиқболли йўналишлардан бири экотуризм бўлиб, у ривожланиб келаётганлиги ҳамда сердаромадлиги билан ажралиб туради. БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, экотуризм ҳозирда туризмни ри-

вожлантиришнинг бешта асосий стратегик йўналишидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг бетакрор гўзал табиати, ўзига хос ландшафти, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, нодир, жаҳоншумул аҳамиятига эга бўлган археологик топилмалари, полеонтологик қолдиқлар, ер юзида кам учрайдиган геологик кесимлар, юзлаб табиин ёдгорликлари туризмнинг ушбу турини ривожлентиришга замин яратади. Шу муносабат билан сўнгги йилларда Ўзбекистонда экотуризмни ривожлентиришга жиҳдий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат

Калит сўзлар: туризм, экологик туризм, туристик корхона, халқаро туристик ташкилотлар, стратегия.

— ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ —

Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Мамлакатимизнинг бетакор табиати, миллый кўриқхоналар, тогли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта турткি беради [1] дега таъкидлаб ўтиши ҳам юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда эришилган натижалар билан биргалиқда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган қатор ишлар мавжудки, улар юртимизда туризмнинг янги йўналиши бўлган экотуризмни ҳар томонлама ривожлантириш, мавжуд салоҳиятдан оқилона ва самарали фойдаланиш учун тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Экологик туризмни ривожлантириш ва бошқариш соҳасида ҳалқаро туристик ташкилотларнинг жаҳон миқёсида тутган ўрнини тадқиқ этиш мақсадида экотуризмни тарқалиш географиясини кўриб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳалқаро экологик туризмга талаб мавжуд бўлган асосий ҳудудлар – Шимолий Америка ва Фарбий Европа мамлакатлари. А.И. Эйтингон ва А.А. Дорофеев бошқа илмий мактаблар каби, ушбу йўналишларни “европа ва америка экологик туризм мактаблари” деб атаганлар. Экологик туризмнинг америка мактабига хос бўлган қирраси, экотуризмини – табиий ва қўриқланадиган ландшафтлар билан антропоген таъсирдан нисбатан ўзгармаган табиий муҳитга саёҳат ва дам олиш бўлиб ҳисобланади. Бу ерда экотуризмнинг муҳим қирраси, америка мактабига биноан – экологик таълимдир. Экотуризмнинг европа мактаби, биринчи навбатда, экотуризмнинг табиатга йўналтирилган асосини таъкидлаган ҳолда, кўпроқ ургуни туризмнинг маҳаллий аҳоли олдида ижтимоий жавобгарлигига беради ва дестинация ҳудудида экотуризм ёрдамида иқтисодий муаммоларнинг ечимиға қаратилганидир.

Экологик туризм соҳасини ривожлантириш ва бошқариш ҳалқаро тажрибани янада син-чиклаб тадқиқ этиш учун экотуризм ривожланишига нисбатан ҳалқлараро сиёsat соҳасини кўриб чиқишини тақозо этади.

Экологик туризмни ривожлантириш учун Бутунжакон ёввойи табиат Фонди, Табиий ресурслар ва табиат муҳофазаси Ҳалқаро иттифоқи каби Ҳалқаро ташкилотлар фаолияти жалб этилмоқда.

Бундан ташқари ҳалқаро ва ҳудудий даражада конгресслар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказилмоқда, экотуристик фирмалар сони ошиб бормоқда, туризмнинг барча турларига нисбатан экологик туризм афзал кўрилмоқда [2].

Таъкидлаш жоизки, жаҳон миқёсида экологик туризм фаолияти яхши ташкил этилган. Глобал масштабда экотуристик фаолиятини координация қилиш ва унинг ривожланишига кўмаклашиш ҳалқаро ташкилотлар орқали амалга оширилади, булар қаторида БМТ, ЮНИДО ва маҳсус фондлар. Глобал экологик фонд ёки Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш бутунжакон фонди. Бу ерда экологик туризм ривожланишига йирик ҳалқаро тузилмалар кўмаклашадилар, уларнинг кенг кўламли табиатни муҳофаза қилиш мақсадалари мавжуд бўлиб, фаолиятларининг бир тури бўлган экотуризмнинг ривожланишини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар, бу эса табиий захиралардан фойдаланишига ва мустаҳкам ривожланишига кўмаклашади.

Сайёрамиз табиий захираларини муҳофаза қилиш борасида дунё ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) муҳим роль ўйнайди. БМТнинг алоҳида комиссиялари экологик туризм гояларини тарғибот қилишга ўз ҳиссасини қўшадилар. Қуйида келтирилган ҳалқаро ташкилотлар ва дастурлар экологик туризмнинг глобал сиёsatини шакллантирадилар ва амалга оширадилар: Таълим, фан ва маданият бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти; БМТнинг ривожланиш дастури; Табиатни муҳофаза қилиш Ҳалқаро Иттифоқи; Атроф-муҳит бўйича БМТнинг дастури-ЮНЕП ва б.

Юқорида санаб ўтилган дастурларнинг асосий мақсади биологик хилма-хиллик устидан мониторингни ташкил этишдан иборат ҳамда туристик қизиқиши бўлган жойларда табиий захираларни бошқариш тизимини яратиш, ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида тарихий-маданий ва экологик потенциални бирлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бажаришдан иборат.

Экологик туризмни ривожлантиришнинг ҳалқаро битимлар ва дастурларни амалга ошириш учун турли ҳалқаро молиявий ташкилотлар ўзининг маҳсус ҳиссасини қўшиб келмоқдалар: Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш бутунжакон фонди (WWF); Қайта қуриш ва тараққиёт ҳалқаро банки (IBRD); Глобал экологик фонди (GEF).

Ривожланаётган давлатларда маҳсус қўриқла-

надиган табиий ҳудудларни узоқ муддатли молиялаштириш мақсадида Траст табиатни муҳофаза қилиш фондлари ташкил этилади ва фаолият юритади, улар қўриқхоналар ва миллӣ паркларга ҳамда буларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида турларига молиявий ёрдам кўрсатадилар.

Экологик туризмни ривожлантириш муаммоларга ихтисослашган бир қатор ташкилотлар мавжуд, улар экотуризмнинг жаҳон миқёсида ривожланишига қўмаклашадилар: Экотуристик жамият (The Ecotourism Society), жамият бирлашмалари “Нейче-Консерванс”, “Одюбонов жамияти” ва б.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) – ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, БМТ тасарруфида 1975 йилда ташкил топган. Асосий мақсади туризмни ривожлантириш учун дунё ҳамжамияти ҳаракатларини мувофиқлаштириш, глобал туристик сиёsat ўtkазиш учун масъул. Жаҳонда 2001-2002 йил давомида БТТ саъй-ҳаракати билан экологик туризм ғояларини тарғиб қилиш борасида катта ишлар амалга оширилган. 2002 йил 19-22 май кунлари БТТ ва ЮНЕП раҳбарлигига Канада давлатининг Квебек шаҳрида Экологик туризм бўйича Халқаро Саммит ўtkазилди, ушбу саммитда дунёнинг 132 мамлакатидан 1100 вакил иштирок этди. Саммит иштирокчилари мамлакатлар ҳукуматлари ҳамда бизнес, ҳукуматлараро ва жамият иттифоқлари, халқаро молия ташкилотлари тадқиқот институтлари ва маҳаллий ҳамжамиятлар учун экологик туризмни ривожлантириш ва унинг мустаҳкам ривожланиши доирасида бир қатор кўрсатмалар ишлаб чиқдилар.

Ушбу тадбирдан кейин Экологик туризмни ривожлантириш бўйича бутун жаҳон туристик ташкилотнинг фаолияти нимага йўналтирилиши ҳақида қарорлар қабул қилинган эди:

- халқаро бозорларда экологик-туристик йўналишларни ва маҳсулотларни киритиш ҳамда самарали маркетинг учун имкониятларни кенгайтириш;
- узоқ муддат давомида экологик мувозанат фаолиятини таъминлаш ва принципларига риоя қилиш мақсадида экологик туризмнинг мониторинги, меъёрлаштирилиши, менежменти, режалаштириш усуллари ва методларининг кенг тарқалиши;
- экологик туризм ривожланиши ва экологик стандартлар соҳасида ижобий тажрибани жорий этишига қўмаклашиш ҳамда экологик-туристик хизматлар ва маҳсулотлар етказувчилари учун нуфузли

ва ўзаро келишилган сертификация ва стандартизация тизимларини яратиш.

Давлатлараро даражада экологик туризмни ривожлантириш бўйича сиёсатнинг келишилганлигига ҳудудий туристик ташкилотлар ва маҳсус давлатлараро иттифоқлар орқали эришилади. Экотуризмни ривожлантириш масалаларида Европа Иттифоқининг туристик сиёсати, масалан, локал тор соҳадаги масала сифатида қўрилмайди, балки экологик ва ҳудудий сиёсат ҳамда кичик ва ўрта корхоналарга нисбатан сиёсат каби иттифоқ сиёсатининг аспектларида келиб чиқадиган комплекс характерга эга кўп сонли ечими мавжуд бўлган масалалар қаторида кўриб чиқилади. Европа ҳудудий сиёсатининг мақсади нафақат Европа Иттифоқи ҳудудида экологик туристик маҳсулотнинг сотуви билан банд бўлган аҳолининг ҳаёти ва меҳнат қилиши учун тенг шароитлар яратиш, балки умуман туристик индустрияни ва хусусан туристик ҳудудларни қўллаб-қувватлашдир. Туристик индустрияни қўллаб-қувватлаш ҳудудий сиёсатининг қўйидаги молиявий воситалари ёрдамида қўллаб-қувватлаш амалга оширилади: Европа сармоялар банкининг зәймлари, европа фонdlарида дотациялар ва ҳ.

Охириги йилларда ушбу сиёсат доирасида ҳозирги вақтда мавжуд бўлган туристик ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Бу европа Иттифоқи давлатларида экологик туризм ривожланишини кенг сармоявий қўллаб-қувватлашни изоҳлаб беради.

ЕИ давлатларида экологик туризмни ривожлантиришга қўмаклашувчи асосий молиявий воситаларга қўйидаги ихтисослашган фонdlарни кириладилар: Қишлоқ ҳўжалигига йўналтириш ва кафолатлаш Европа фонди; Европа ижтимоий фонди; Европа ҳудудий ривожланиш фонди.

Европа ижтимоий фонди экологик туризм соҳасига жалб қилинган кадрларнинг таълими ва малака оширишини ташкил этишини молиялаштириш билан шугулланади. Бу ерда экологик туризмнинг хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган ва қишлоқ ҳудудларида яшаётган ёшларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган, бу эса маълум ижтимоий эффектга эга.

Европа ҳудудий ривожланиш фонди томонидан маҳсус қўриқланадиган ҳудудларда жойлашган экологик-туристик инфраструктура объектларининг қурилиши ва қайта қурилишини молиялаштиришга, ҳамда ҳудудларнинг табиий ва маданий потенциа-

— ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ —

лини ўзлаштириш учун маблағлар ажратилади.

Европа Иттифоқининг бир қатор давлатларида, айниқса, Европанинг марказий ва шарқий қисмларида, кўп сонли қишлоқ хўжалик ҳудудларининг тузилмаси заифдир. Шунинг учун Қишлоқ хўжалигига йўналтириш ва кафолатлаш Европа фонди томонидан Европада энг катта талаб бўлган экологик туризмнинг йўналишларидан бири бўлган – агротуризмни ривожлантириш мақсадида маблағлар ажратилади. Ушбу сиёсатнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш билан банд бўлган аҳолига ёрдам кўрсатиш, бу эса қўшимча иш жойлари ва даромад манбалари пайдо бўлишида намойиш бўлади. Аграр туризм, Европада ривожланиб бораётган урбанизация ва аҳолининг қарашини инобатга олган ҳолда, қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий ва иқтисодий томонлардан фаоллаштириш омили сифатида келади. Қишлоқ хўжалигига йўналтириш ва кафолатлаш Европа фонди маҳсус қўриқланадиган

табиий ҳудудларни яратишни, уларда экологик-туристик инфратузилмани ривожлантиришни ва ҳудудларда турли табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишни ҳам молиялаштиради.

Шундай қилиб, ривожланган давлатларда экотуризм соҳасида давлат бошқаруви ва тартибга солиш схемасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу давлатларда тартибга солиш давлат даражасида амалга оширилади, инфратузилмани ва экотуризмнинг бошқа компонентларини ривожлантиришга ҳамда қўллаб-қувватлашга қилинган катта харажатлар ўзини оқдайди ва даромад олиб келади, маҳаллий аҳолининг ижтимоий мавқеини кўтаришга кўмаклашади, маҳаллий қабилаларни ривожлантиради, иш ўринларини беради ва ушбу дестинацияларнинг жозибадорлигини оширади, бу эса ҳудудий ва маҳаллий ҳукуматларнинг фаолиятини баҳолашга билвосита ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2018 йил <http://parliament.gov.uz/64465777.PNG>
2. Мўминов Азизбек Зиёвиiddинович, Экологик туризм – тараққиётнинг муҳим омили <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-35>.
3. Хамидов О.Х. Экотуризмни бошқариш механизмини такомиллаштириш-туризм соҳасини стратегик ривожлантиришнинг муҳим йўналиши “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2-сон, апрель, 2017 й.
4. Хайтбоев Р. Экологик туризм. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2018 й. 248-6.